Давлат китоб палатасининг ... ҳужжатлар ...

АЙЁМИНГ МУБОРАК, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 155 (8. 353) ◆ 1993 йил 31 август, сешанба ◆ Сотувда эркин нархда



⊙ Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг икки йиллик улкан шодиёналари нишонланадиган Мустақиллик майдонининг бугунги кўриниши. Андрей Пишненко сурати.

Ҳамид ҒУЛОМ,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

АССАЛОМ

Ассалом, улуғ халқ — ўзбегим,
Дили пок, қутлуғ халқ — ўзбегим.
Ассалом, ҳур тақдир — истиқлол,
Иқболим, шарафим, ўзлигим!

Тонг билан янграйди мадҳиям,
Порлайди юксакда қуёшим.
Эл кўркам, йўл кўркам, дил кўркам,
Карвонинг бошлайбер, Юртбошим!

Бошлайбер, нур тўла йўл бўлсин,
Бу йўлда шодликлар мўл бўлсин,
Хирмонлар, омборлар лиқ тўлсин,
Карвонинг бошлайбер, Юртбошим!

Қуррада ҳилпира, Байроғим,
Осмоним сингари зангори.
Одамзод — хеш, уруғ, аймоғим,
Чин дўстлик — халқимнинг шиори.

Меҳнатда чиниққан эл улуғ,
Улуғдир чароғон истиқбол.
Мард халқим, эрк — шараф, эрк қутлуғ,
Бахтингдир абадий Истиқлол.

Тонг билан янграйди Мадҳиям,
Порлайди юксакда қуёшим.
Эл кўркам, йўл кўркам, дил кўркам,
Карвонинг бошлайбер, Юртбошим!

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ!

АКМАЛ Икромов туманининг кўп қаватли уйлардан иборат «Ватан» маҳалласидаги 2-А уйда яшовчи фуқаролар республика «Маҳалла» хайрия жамғармасига 100 минг сўм пул ўтказишди. Бундай ҳимматнинг сабабини сўраганимизда ушбу маҳалла комитетининг раиси Иброҳим Қосимов шундай жавоб қилди:

— Бу ҳимматнинг ўзига хос сабаби бор. 2-А уйда истиқомат қилувчилар бу уйга шу йилнинг февраль ойида кўчиб киришган. Президентимизнинг алоҳида эътиборлари туфайли мазкур уй ўз вақтида ва сифатли қуриб битказилганидан мамнун бўлган фуқаролар республикамиз Мустақиллигининг икки йиллигига тўёна қилишни ният этишган эди. Ниятлари холис экан, амалга ошди.

Мажид РАИМОВ.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 август куни Америкада нашр қилинадиган «Тайм» ҳафталик журнали мухбири Жон Коханни қабул қилди.

Жон Кохан мамлакатимиз Президенти қабулига келишдан олдин Самарқанд шаҳри ва вилоятнинг Ургут туманига сафар қилгани, у ерда амалга оширилаётган туб ўзгаришлардан катта таассурот олганини айтди.

Ислом Каримов Жон Коханга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисида сўзлаб берди. Мухбирни қизиқтирган барча саволларга муфассал жавоб қайтарди.

(ЎзА).

ЭЛЧИЛАР ҚУТЛОВИ

⊙ Эрон Ислом Жумҳуриятининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Саид Муҳаммад Мусо Ҳошимий ГУЛПОЙГОНИЙ:

— БИСМИЛЛОҲИР раҳмонир раҳим. Мен Эрон Ислом Жумҳурияти ҳукуматининг вакили сифатида мустақиллик байрами расмий тантаналарида иккинчи марта қатнашмоқдаман. Ўз ҳукуматим ва халқим номидан меҳнатсевар ўзбек халқини байрамлари билан яна бир карра қутлайман. Ўзбекистон Республикаси тинчлик диёри бўлиб қолиши, ўз фуқароларининг фаровонлигини таъминлашга ишонаман. Чунки, Республика мустақиллик йўлидаги барча машаққатларни муваффақият билан бартараф этмоқда. Ўзбекистон ўзига хос қудратга эга бўлган давлат. Шунинг учун ҳам барча машаққатларни енгиб ўтишга қодир. Унинг истиқболи порлоқ. Негаки, битмас-туганмас табиий бойликлари, қулай иқлим шароити, меҳнатсевар халқи, халқ ҳақида ғамхўрлик қилаётган раҳбарлари бор. Мана шу омилларнинг барчаси мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти ва халқининг гуллаб-яшнашига кўмаклашади. Биз Ўзбекистоннинг равнақини чин дилдан истаб қоламиз.

⊙ Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Далип МЕХТА:

— МУСТАҚИЛЛИК байрами бу энг улуғ байрамлардан ҳисобланади. Бу йил биз мустақиллигимизнинг 46 йиллигини нишонладик. Ўзбекистон Республикаси эса ўз мустақиллигининг иккинчи йилини нишонламоқда. Республика тарихида бу жуда муҳим воқеадир. Дўст ўзбек халқини ҳинд халқи номидан, ҳинд раҳбарияти номидан миллий байрамлари билан табриклайман. Ўзбек халқига бойлик ва тинчлик тилайман. Ишончим комилки, ўзбек халқи Ўзбекистон ҳукумати бошчилигида ўзининг олдида турган мақсадларига албатта эришади. Республикада олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат туфайли Ўзбекистон тез орада дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олади.

⊙ Франция Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Жан Поль-ВЕЗИАН:

— Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги кунида мен бутун ўзбек халқига орзу-умидларининг амалга ошишини тилайман. Ўзбек халқи тинчлик тарафдори. Бу халқ қўшни мамлакатлар билан тинч ва келишган ҳолда ҳаёт кечиради. Ўзининг фидокорона меҳнати билан иқтисодий буҳрондан чиқишга ҳаракат қиляпти.

Ишончим комилки, Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ, ўз олдига қўйган вазифаларни шараф билан уддалайди ва ниятларига эришади.

Сўзимнинг охирида француз ҳукумати номидан, француз халқи номидан гўзал Тошкент, бутун Ўзбекистон аҳолисини миллий байрамлари билан табриклайман. Француз ҳукумати ўзбек халқининг орзу-умидларини рўёбга чиқаришга ёрдам беришга тайёр.

Ғофур ЖАМОЛОВ ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРИ, ЖАМИЯТЛАРИ ҲАМДА УЮШМАЛАРИ АЪЗОЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг икки йиллиги билан табриклайман ва кўп миллатли давлатимизда фуқаролар, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга, ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришишга қўшаётган ҳиссангиз учун самимий миннатдорлик билдираман.

Буюк Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлида қилаётган олижаноб меҳнатингизга муваффақиятлар тилайман. Сизларга тинчлик ва бахт-саодат ҳамиша ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикасининг Президенти.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессияси 1993 йил 2 сентябрда соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари бугун, 31 август эрта билан соат 9 дан кеч 17 га қадар, эртага — 1 сентябрь куни эрталаб соат 9 дан то кеч 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

НОИБЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида халқ ноиблари билан учрашув бўлди.

Учрашувни Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков очди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков учрашувда сўзлаб, жумладан, бўлажак сессия муҳокамасига киритиладиган масалалар ва қонун лойиҳаларига эътиборни қаратди.

Сўзга чиққанлар мазкур ҳужжатлар юзасидан фикр ва мулоҳазаларини айтиб, айрим тузатиш ва қўшимчаларни таклиф этдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов қатнашди.

(ЎзА).

«ЎЗБЕКИСТОН—КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ» ТАНЛОВИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг икки йиллиги шарафига «Тўқимачилик комбинати» Тошкент ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳомийлигида ўтказилган «Ўзбекистон— келажаги буюк давлат» танловига якунлар чиқарилди.

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК АСАР УЧУН:

⊙ Биринчи ўрин ва 40 минг сўмлик пул мукофоти шоир ва журналист **Темур УБАЙДУЛЛОга** — маънавий ва миллий қадриятларни улуғловчи туркум суҳбатлари учун;

⊙ иккинчи ўрин ва 20 минг сўмлик пул мукофоти Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Иброҳим РАҲИМга** — «Қутлуғ башорат» мақоласи учун;

⊙ учинчи ўрин ва 10 минг сўмлик пул мукофоти журналист **Маҳмуд КОМИЛЖОНОВга** — Мустақиллигимизнинг икки йиллиги шарафига пойтахтимизда бунёд этилган ноёб иншоотлар қурилишидан ёзган туркум мақолалари учун берилди.

Ҳар бири 6 минг сўмдан иборат рағбатлантирувчи пул мукофотлари қуйидагиларга берилди:

⊙ Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти, фалсафа фанлари номзоди **Убайдулла БОЗОРОВга** — истиқлолимиз ёшлар олдига қўйган вазифалар ижросига даъват этувчи мақолалари учун;

⊙ шоир **Абдулҳай НОСИРга** — болаликнинг тотли лаҳзаларини тараннум этувчи бадиалари учун;

⊙ журналист **Ислом УСМОНОВга** — «Она армони» мақоласи учун;

⊙ ёш тарихчи олим **Мурод МИРЗОга** (Мурод Аҳмедов) «Бунёдкор Соҳибқирон» туркум мақолалари учун;

⊙ журналист **Саъдулла ШОДИЕВга** — шаҳримиз маҳаллаларидаги меҳр-мурувватни улуғловчи туркум мақолалари учун.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА ЁРИТИЛГАН ЭНГ ЯХШИ СУРАТЛИ ЛАВҲАЛАР УЧУН;

⊙ биринчи ўрин ва 20 минг сўмлик пул мукофоти кекса сураткаш **Абдусаттор ТЎРАЕВга**; иккинчи ўрин ва 15 минг сўмлик пул мукофоти сураткаш **Виктор БАҒАЕВга**; учинчи ўрин ва 9 минг сўмлик пул мукофоти сураткаш **Абдувоҳид ТЎРАЕВга** берилди.

⊙ Ҳар бири 3 минг сўмдан иборат рағбатлантирувчи пул мукофотларига сураткашлардан **Равиль АЛЬБЕКОВ** ва **Ҳаким СОЛИҲОВлар** мушарраф бўлишди.

⊙ ИЗОҲ: танлов ҳомийси пулининг қадрсизланишини эътиборга олиб илгари эълон қилинган мукофот пуллари ҳажмини икки баравар оширишга қарор қилди.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги ўн учинчи сессиясига тайёргарлик кўриш юзасидан депутатлар ишчи гуруҳининг якунловчи мажлиси бўлиб ўтди.

● Беларусь Республикаси Вазирлар кенгаши қарорига кўра бу ҳукуматнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси мухтор ваколатхонага айлантирилди. Беларусь Вазирлар кенгашининг Ўзбекистондаги доимий вакили Александр Коссов ўз ҳукуматининг Ўзбекистондаги мухтор вакили этиб тайинланди.

● Сурхондарё вилоятида пахта теримига киришилди. Янги ҳосил ортилган биринчи карвон Жарқўрғон пахта қайта ишлаш заводига келди.

ҲАМДУСТЛИКДА

● Тожикистон Олий Кенгашининг раиси Имомали Раҳмоновнинг Афғонистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди. У билан бирга Душанбега 10 август куни афғон мужоҳидлари томонидан гаровга олинган Ҳамдўстликнинг беш нафар чегарачиси қозоғистонлик майор Сергей Петухов, россиялик чегарачилар Сергей Прохоров, Евгений Дудников, Александр Бабушак ва Андрей Воротинцов қайтиб келдилар.

● Украина Бош вазири Леонид Кучма у бошчилик қилаётган ҳукумат яқин кунларда истеъфога чиқишини айтди.

● Бугун Москва яқинидаги Жуков шаҳрида халқаро авиакосмик салон очилди. Унда 250 тадан кўпроқ корхона, шу жумладан Тошкент авиация заводи ҳам ўз маҳсулотларини намойиш этади.

● Озарбайжоннинг Москвадаги вакили берган баёнотга кўра, якшанба куни бу мамлакатда ҳокимиятдан четлаштирилган президент Абулфаз Элчибейга ишонч масаласидаги референдумда аҳолининг 92 фоизи иштирок этган. Дастлабки маълумотларга қараганда уларнинг 93 фоизи Абулфаз Элчибейга ишончсизлик билдирган.

● Кеча Россия вице-президенти Александр Руцкой қарийб тўрт соат давомида Москва прокуратураси терговчилари томонидан сўроқ қилинди. Унга Швейцариядаги банклардан бирига ноқонуний равишда 3,5 миллион доллар ўтказилишига дахлдор мансабдор шахс айби қўйилган.

● XX аср охиригача Россия аҳолиси 2,2 миллион кишига камайиши тахмин этилмоқда.

● Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев кеча ядровий қурол-яроғларга эга ҳукуматларга ядро, кимёвий, биологик, бошқа барча турдаги оммавий қирғин қуролларини синашни 2005 йилгача тўхтатиб туриш таклифи билан мурожаат этди.

ХОРИЖДА

● Кеча Женевада уруш қурбонларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро анжуман очилди. Халқаро Қизил Хоч комитети томонидан ўтказилаётган бу анжуманда Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар.

● Кеча Литва Президенти Альгирдас Бразаускас миллий радио орқали чиқишида Борис Ельцин билан телефон орқали мулоқоти давомида Россия армияси шу ой охиригача Литвадан олиб чиқиб кетилиши юзасидан аҳдлашувга келишилганлигини маълум қилди.

● 28 август эрталаб полковник Лоти Кобалия бошчилигидаги ҳокимиятдан четлаштирилган президент Звиад Гамсахурдианинг тарафдорлари бўлган қуролли бўлинмалар Ғарбий Грузиянинг Сенаки, Хоби ва Абаша шаҳарларига кирдилар. Баъзи маълумотларга кўра улар эндиликда Грузияда аҳолиси миқдори жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган Кутаиси шаҳри томон юришни давом эттиришни мўлжаллашмоқдалар. Собиқ президент Звиад Гамсахурдиа эса Грузия ғарбида мустақил Мегрелия республикасини эълон қилмоқчи.

● Кеча Грузия раҳбари Эдуард Шеварднадзе радио орқали сўзга чиқиб, ўзининг партиясини тузганлигини эълон қилди. У ўзини қўллаб-қувватловчи депутатларни бу партияга киришга даъват этди.

● Россия Бош вазири Виктор Черномирдиннинг АҚШга беш кунлик расмий ташрифи давом этмоқда. Бу ерда у космос, ядро энергетикаси, ёнилғи-энергетика мажмуаси соҳаларида Россия билан АҚШ ўртасида иқтисодий ҳамкорлик қилиш юзасидан музокаралар олиб боряпти.

● Ироқ ҳукумати баъзи асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва сигареталарни тақсимлашнинг карточка тизимини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу сўнгги ҳафталар давомида мамлакат ички бозорида ана шу маҳсулотларнинг нархи кескин ошиб кетганлиги сабабли қилинди.

● Бугундан эътиборан Югославияда қиймати 1 миллиард динар бўлган қоғоз пул муомалага киритилади. Ғоят катта миқдор бўлиб кўринган бу пул амалда АҚШнинг 2,5 долларига тенгдир.

● АҚШ Марказий разведка бошқармаси ўзининг «совуқ уруш» давридаги фаолиятини акс эттирувчи минглаб ҳужжатларни ошкор қилиш ниятида. 1994 йил бошигача ҳоҳлаганлар Марказий разведка бошқармасининг 1950 йилдан 1963 йилгача ўтказган энг муҳим операциялари тафсилотлари билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

● 2000 йил бошида Ер куррасидаги аҳолининг 40 фоиздан кўпроғи йирик шаҳарларда яшайдиган бўлар экан.

● 1 сентябрдан бошлаб Латвия фуқароларининг Украинага боришлари учун виза талаб этилади. Украинага бир марта бориш учун виза миқдори 10 долларга тенг бўлади.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

АЗИЗ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ!

СИЗЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИК КУНИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

31 АВГУСТ

АМИР ТЕМУР ХИЁБОНИДА

⊙ Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган театрлаштирилган тантанали маросим. **Соат 17—00.**

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА

⊙ Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунига бағишланган театрлаштирилган катта байрам томошаси. Байрам улкан мушакбозлик билан якунланади. **Соат 19—00.**

1 СЕНТЯБРЬ

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА

⊙ Катта халқ сайли. Сайил улкан мушакбозлик билан якунланади. **Соат 10—00 дан 22—00 гача.**

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ МАЙДОНИДА

⊙ Шаҳар миллий-маданий марказларининг бадиий жамоалари ва санъат усталари иштирокида байналмилал халқ ижодиёти фестивали. **Соат 10—00 дан 22—00 гача.**

АНҲОРНИНГ МАРКАЗДАН ЎТАДИГАН ҚИСМИДА

⊙ Шаҳар туманларининг катта байрам сайли. **Соат 10—00 дан 22—00 гача.**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА

⊙ Халқ сайли. **Соат 10—00 дан 22—00 гача.**

АЛИШЕР НАВОИЙ МАЙДОНИДА

⊙ Болалар учун катта байрам томошалари. **Соат 10—00 дан 18—00 гача.**

ХАДРА МАЙДОНИДА

⊙ Оммавий халқ сайли. **Соат 10—00 дан 18—00 гача.**

САЙИЛГОҲ КЎЧАСИ ВА АМИР ТЕМУР ХИЁБОНИДА

⊙ Ўзбек миллий таомлари савдо-кўргазмаси. **Соат 10—00 дан 18—00 гача.**

АКАДЕМИКЛАР ШАҲАРЧАСИДА

⊙ Мирзо Улуғбек ҳайкалининг очилишига бағишланган театрлаштирилган тантанали маросим. **Соат 11 да.**

Пойтахтимиз азалдан дўстлик, қардошлик шаҳри сифатида жаҳонга машҳур. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, унинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори янада ортди. Республикамиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистон тараққиётнинг ўзига хос йўлини танлади. Бу эса бошқа давлатлар билан маданий-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш имконини бермоқда. Бир сўз билан айтганда Ўзбекистон жаҳон сари юз тутмоқда. Бунда пойтахтимиз Тошкентнинг ўзига хос ўрни бор. Мухбиримиз байрам арафасида Тошкент шаҳар Ҳокими ўринбосари Баҳодир Эргашевич ХУЖАЕВга мурожаат қилиб, маҳаллий ҳокимият идораларининг иқтисодиёт соҳасида, чет эл мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш соҳасида амалга ошираётган тадбирлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Иқтисодиётнинг амалий масалаларини ҳал этишда чет эл сармоясига эга бўлган корхоналарнинг турли хил ва барқарор тармоғини барпо этишга ҳам маълум даражада эътибор қаратиляпти, — деб таъкидлади Баҳодир Хўжаев. — Улар ҳам республика иқтисодиётига фаол таъсир кўрсатиши, ўз фаолиятларини бу ердаги шароитга мослаштира бориб, бозорни турли моллар ва хизматлар билан тўлдириш чораларини кўришлари мумкин.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳри ҳудудида 373 та қўшма корхона рўйхатдан ўтказилган бўлиб, жаҳондаги 40 дан ортиқ мамлакат компаниялари ва фирмалари вакиллари уларнинг таъсис этувчилари сифатида ташаббус кўрсатишди. Улар орасида Туркия, АҚШ, Жанубий Корея, Германия корхоналари ишбилармонлари салмоқли ўринни эгаллайди.

** Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!*

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

Қўшма корхоналарнинг ярим йиллик хўжалик фаолиятига якун ясаб, шуни айтиш жоизки, Тошкент шаҳри бўйича амалдаги баҳолардаги маҳсулот ишлаб чиқариш, бажарилган иш ва хизматлар ҳажми 16400882 минг сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 марта, бошқача қилиб айтганда 14827,8 минг сўм кўпдир. Ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда «Средазкосмос интерпрайз Лимитед» Ўзбекистон — Гонконг, «Совпластитал» Ўзбекистон — Италия, «Тошинтерм» Ўзбекистон — Хитой ва «ЮМИ» Ўзбекистон — Америка қўшма корхоналари салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Шу йилнинг ярим йили мобайнида қўшма корхоналар ҳаммаси бўлиб 7408399 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришди. Харидорларга манзур бўлаётган пластмасса буюмлари, термослар, тайёр кийимлар, компьютерлар, телефон аппаратлари, телевизор ва бошқа маҳсулотлар ана шулар жумласидандир.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қўшма корхоналар салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Чунончи «Тезинка» қўшма корхонаси Германияга 582 минг долларлик маҳсулотлар, «Яньшань» қўшма корхонаси эса ўзаро мол алмашиш асосида Хитойга 526 минг долларлик ўғитлар, «Пентуз» қўшма корхонаси эса Италияга 630 минг долларлик ошхона идиш-товоқлари учун ишлатиладиган дисклар жўнатди.

Тайёр маҳсулотларни четга чиқариш кўпайгани ҳолда, хом ашё юбориш камайиши кўзга ташланяпти. Чунончи, «Тошинтерм» 60 мингдан ортиқ ялтироқ термосни чет элга юборди.

Шу нарсани таъкидлаш керакки, чет мамлакатлар билан бартер муносабатлари — ўзаро мол алмашиш тобора кенгаймоқда. «Тошкент — Коттон» қўшма корхонаси Италиядан бартер йўли билан эркаклар шимини тикиш учун ярим фабрикатлар, «Сельсанг — лим трейтинг кампани» қўшма корхонаси Хитойдан болалар учун трикотаж кийимлар, «Автош» қўшма корхонаси чех республикасидан «Авиа» автомобили ва уларнинг эҳтиёт қисмларини, «Турдиер» қўшма корхонаси эса Туркиядан халқ истеъмоли моллари сотиб олди.

Ички бозорда 53150400 минг сўмлик турли маҳсулотлар, моллар сотиш ва хизмат кўрсатишга эришилди.

Бу соҳада маълум қийинчиликлар мавжудлигига, моддий-техника таъминотида рўй бераётган узилишларга қарамасдан қўшма корхоналар фаолияти, чет эллик шериклар билан ҳамкорлик алоқалари тобора кенгаймоқда. Бу эса шубҳасиз Тошкент тамғаси босилган турли маҳсулотлар жаҳон бозорида ўз харидорларини топишига, жаҳон бозорида бемалол рақобатлаша оладиган товарларни кўплаб ишлаб чиқариш имкониятини яратади.

Машҳура МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

** Пойтахт жамоли*

ШУЪЛАЛАР

Тошкент бугун шуълалар қўйнида,

Тошкент бугун ял-ял ёнади.

Оқшом чоғи сокин кўчаларда аста одимлайман. Бошим узра порлаб турган ранго ранг чироқлардан кўзим қамашади.

Мустақиллик майдонидан ўтаётганда бир зум тўхтаб қолдим. Қаер бу? Юлдузлар қаҳкашоними? Чироқларнинг нури фаввораларда акс этади! Боқасан, тўймасдан боқасан киши. Орқада, Мустақиллик ёдгорлиги орқасида минг турли чироқлар Ўзбекистон манзарасини ифода этади. Унга қарайсизу, Ўзбекистон чиндан ҳам келажаги буюк давлат эканига ишонч ҳосил қиласиз.

Чироқлар, чироқлар... Улар худди кишиларимиз кўзларидаги ёлқиндек туюлади назаримда. Гўёки, гуж-гуж юлдузларни Мирзо Улуғбек озод юрт остонаси бўлган Тошкент узра сочиб юборган!

Бу йил Мустақиллик майдони узра минглаб чироқлар шуъла таратади. Ушбу шуълалардан Амир Темур хиёбони, Шароф Рашидов, Буюк Турон, Амир Темур кўчалари ҳам чароғон!

Кўнгилда шаҳримизнинг барча майдонларини бориб кўриш иштиёқи уйғонади. Халқлар дўстлиги саройи ҳамда майдони оқшомда худди сутга чайгандек порлаб турибди. Ўзбекистон Миллий боғи қучоғида эса турфа чироқлар парпираб ёниб турибди. У ерда макон тутган қардошларимизнинг миллий-маданий марказларининг қароргоҳларида жилваланади, улкан сатҳида ёнади.

Чироқлар!

Бугун шаҳримнинг барча майдонлари ана шундай чароғон. Тени билан улар ёнади, ёнади. Тонг саҳарда эса қуёш уларнинг нурларини ҳовучига оладию ўз нурларига қўшиб оламга сочиб юборади.

Шаҳрим, бағрингдан Истиқлол шуълалари аримасин! Мангу жилоланиб тураверсин. Сен эса шуълалар қўйнида эркаланиб яшайвер, онагинам!

Тоҳир ЙЎЛДОШ.

МУСТАҚИЛЛИК ОДИМЛАРИ

1991 ЙИЛ

◎ **31 август.** Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

◎ **1 сентябрь.** Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб эълон қилинди.

◎ **18 ноябрь.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

◎ **16—19 декабрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол таклифига биноан Туркия жумҳуриятида расмий сафарда бўлди. Туркия Ўзбекистон мустақиллигини тан олди.

◎ **29 декабрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказилди.

1992 ЙИЛ

◎ **4 январь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қасамёд қилди.

◎ **16 февраль.** Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлди.

◎ **26 февраль.** Ўзбекистон Республикаси Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашга аъзо бўлди.

◎ **2 март.** Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди.

◎ **10 март.** Ўзбекистон Республикаси Шимолий Атлантика ҳамкорлиги кенгашига аъзо бўлди.

◎ **30 апрель.** Ўзбекистон Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банкига аъзо бўлди.

◎ **2 июль.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби тўғрисидаги Қонуни қабул қилинди.

◎ **1 сентябрь.** Мустақиллигимизнинг бир йиллиги тантанали нишонланди.

◎ **8 декабрь.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Бу кун умумхалқ байрами деб эълон қилинди.

◎ **10 декабрь.** Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисидаги Қонуни қабул қилинди.

1993 ЙИЛ

◎ **3—5 январь.** Ўрта Осиё мамлакатлари ҳамда Қозоғистон давлат раҳбарларининг учрашуви бўлди.

◎ **27 апрель—1 май.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Германияга қилган расмий ташрифи пайтида Тошкент билан Берлин шаҳарлари бир-бирлари билан биродарлашди. Икки шаҳар ҳамкорлиги тўғрисидаги қўшма баёнотга Тошкент шаҳар Ҳокими Атҳамбек Фозилбеков имзо чекди.

◎ **6 май.** Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида Ўзбекистон Республикасининг бир қанча Қонунлари қабул қилинди, Республикамизда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Фармони билан таъсис этилган «Соғлом авлод учун» ордени тасдиқланди.

◎ **27 июнь.** Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни илк бор байрам қилинди.

◎ **29 июнь.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк давлат асосчиси, Шарқнинг улуғ саркардаси, илм-фан ташкилотчиси ва ҳомийси, миллий маданият ва меъморчилик санъатини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган шавкатли бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур хотирасини абадийлаштириш мақсадида мустақил давлатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Амир Темур ҳайкалини ўрнатиш тўғрисидаги қарорга имзо чекди.

◎ **7 август.** Республика Мустақиллигининг икки йиллиги шарафига шанбалик бўлиб ўтди.







◎

Мустақил Ўзбекистонимизнинг қиёфаси кундан-кунга барқ уриб очилиб бормоқда. Бу табиий. Барқ урганда ҳам унинг чеҳрасида миллийлик, ўзига хослик, шарқона нозиклик намоён бўлиб турибди. Буни Ўзбекистонимизнинг пойтахти Тошкент шаҳри қиёфасида ҳам кўришимиз мумкин.

Тошкент марказидаги Амир Темур хиёбони бугун ниҳоятда гўзаллашиб кетди. Майдон ўртасидаги Мустақиллигимиз шарафига ўрнатилган ёдгорлик атрофида шодиёна авжига чиқади. Оқшом чоғлари эса Тошкент минглаб чироқларнинг нуридан чароғон бўлиб кетади. «Ўзбекистон» саройи эса юртимиз улуғворлигига яна бир тасдиқдир. Ер ости қасри деб ном олган метромиз бекатлари тобора кўпайиб бормоқда. Буларнинг барчаси Истиқлолнинг илк ширин меваларидир.

Рустам Шарипов ва Виктор Багаев суратлари.

◎

ОЛТИН БУ ВОДИЙЛАР—ЖОН ЎЗБЕКИСТОН, АЖДОДЛАР МАРДОНА РУҲИ СЕНГА ЁР!

— Жамол ака, Ўзбекистонимиз Буюк Истиқлол нурларига йўғрилгандан бери икки йил ўтди. Халқнинг асл фарзандлари билакни шимариб, «Озод юртимиз энди обод, фаровон бўлиши, энди ўзгалар учун эмас, ўзим учун, муқаддас истиқлол учун ишлайман» деб яратиш, яшаш, меҳнат шавқига вужуди билан берилди. Шу тонфа юртдошларимиз кўпроқлиги кўзга зиё, дилга ором беради. Ана шу тонфа одамлар орасида истиқлол сурурини кўнгил пиёласидаги меҳр суви аро ўтказган аҳли назм, аҳли наср ҳам бор... Истиқлол арафасидаги суҳбатимизни ҳам айнан шу жабҳадан бошласак...

— Собит сайёрамизда минг-минглаб жонзотлар бор. Улар оддийгина митти жон-гиёҳдан тортиб одамзотгачадир. Ҳар ҳолда шундай дейиш бизга расм бўлган. Уларнинг ҳар бири яшаш ҳуқуқига эга. Айни чоқда инсони аъзам ҳам. Яшаганда ҳам озод, бировга қарам, қул бўлмасдан яшаш унинг бунёд бўлганидан бери қиладиган орзусидир.

Мустақиллигимиз ҳақида сўз кетганда «Ҳеч ким бу мустақилликнинг, бу кунларнинг қадрига етмайди, чунки уни осмондан тушгандек осонгина қўлга киритдик», дейди айримлар. Мени эса бу борада фикрим ўзгача. Биз, айниқса, ҳозир озодлигимизнинг қадрига етмоғимиз керак. Сабабки қон тўкилмади, жонлар қурбон бўлмади...

— Лекин асрлар қаърига назар ташласак, истиқлол учун фидо жонлар борлигига гувоҳ бўламиз...

— Ҳақ гапни айтдингиз... Салкам бир ярим асрдан бери ҳар қанча қон бўлса тўкдик. Шу сабабдан ҳам мустақиллик осмондан тушган олмадек бўлди, дейиш ноҳақлик бўлур эди. Мустақиллик йўлларида неча-неча азиз бошлар қурбон бўлди. Қодирийдек, Чўлпондек, Фитратдек, Мунаввар қоридек истеъдодлар умри хазон бўлди. Шу сабабдан Буюк қисматимиз — Мустақиллик қурбонларсиз, хунрезликларсиз қўлга кирган экан, уни муқаддас билмоғимиз шарт.

— Жуда гўзал ифодаладингиз: «Мустақиллик — буюк қисматимиз». Ушбу муаззам сўз юртимизга янгича руҳ, янгича жило, янгича кайфият бағишлади. Барчани янгича идрокка, янгича ишга ундади...

— Чиндан ҳам бизнинг энг олий ютуғимиз бу Байроғимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси узра мағрур ҳилпираши. Мадҳиямизнинг кўплаб юртларда жаранглаши, ўз Туғромизнинг яратилишидир. Булар миллий рамзимиз, миллатимизнинг фахри-ифтихоридир.

Мустақиллик фахр-ифтихор бўлиши билан бирга айни чоқда масъулият ҳамдир. Хусусан, истиқлол ёшларимиз учун айрича ялҳом чашмаси бўлиши керак. Сабаби, замон ҳозир ёшларимизга ажиб бир табассум ила юз ўгирди... Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, ўзбек учун жаҳонга чиқадиган эшиклар бугун ланг очилди. Аввалари хорижда ўқиш эмас, хорижга боришни орзу қилар эдик. Бугун юзлаб ёшларимиз Туркияда ва бошқа тараққий топган мамлакатларда таҳсил кўрмоқдалар. Самолётларимиз қайси шаҳарга десангиз ўшаёққа зумда элтиб қўяяпти. Буларнинг бари бизнинг қувончимиз. Лекин бу қувончнинг масъулияти ҳам бор. Бу масъулият нималардан иборат?

** Дилкаш суҳбатлар*

МАНГУ НУР СОЧСИН!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон халқ шоири Жамол КАМОЛ билан мулоқот.

Аввало, бу яратиш билан боғлиқ десам хато қилмаган бўламан. Сабаби, биз мустақил бўлдик деб юраверсак ўйлаган ҳеч бир ниятимизга етолмаймиз. Айниқса, иштиёқда, яратишда ёшларимиз ниҳоятда жанговар бўлиши керак. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ёшлардан юртимизнинг умиди катта. Қурилишдами, бадиий ижоддами, илмдами — барибир ёшлар истиқлолимизнинг таянчи бўладилар. Ёш ёзувчи, олимлар учун «Истеъдод» жамғармасининг тузилиши, янги турар жойларнинг қурилаётганлиги, қалам ҳақининг ошганлиги ана шу умиднинг поғоналари.

— Жамол ака, мавриди келиб қолди, миллий тафаккур ҳақида ҳам икки оғиз сўзласангиз.

— Мен бир сўзни айтиб сира чарчамайман: кишилик жамиятининг таянч тоғи — миллат, миллатнинг таянч тоғи — миллий мустақиллик, миллий мустақилликнинг таянч тоғи — миллий тафаккур, миллий тафаккурнинг таянч тоғи — миллий адабиёт.

Бугун мустақилликнинг сарин шабадаларига юзимизни тутиб турган эканмиз, миллий тафаккуримиз бўлмиш адабиётимиз елкасига катта юк тушади. Сабаби миллий тафаккурсиз миллий мустақилликни тасаввур этмоқ оғир. Демоқчиманки аҳли қалам учун мустақилликни мустаҳкамлаш асосий шиор, мустақиллик манфаати бош мезон бўлиб қолди. Бугун Ўзбекистон учун, унинг истиқлоли, истиқболи учун нимаики фойдали бўлса, барчасини енг шимариб бажариш пайти келди.

Мафкура ҳақида сўз бошладик, уни охирига етказайлик. Назаримда мафкура инсонларни олға бошловчи, етакловчи ғоя демакдир. Мен миллатнинг таянч тоғи — миллий мустақиллик, дедим. Зеро, миллат учун миллий мустақилликдан ортиқ саодат бўлмайди. Аммо миллат мустақил бўлсаю тараққиёт сари юз бурмаса, тарқоқ бўлсачи? Шундай миллатлар йўқми дунёда? Узоққа бормайлик. Афғонистон салкам бир асрдан бери мустақил давлат. Аммо аҳволини кўриб турибсиз. Демак, миллий мустақилликнинг ўзи етмайди, миллий тараққиёт, миллий камолот ҳам зарур... Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, миллий мустақиллик ва миллий тараққиёт — миллий мафкуранинг икки устуни, қўш қанотидир. Демак, «Миллий мустақил бўлайлик ва миллати комил бўлайлик!» деган шиорни майдонга ташласак адашмаймиз.

— Ёзувчилар уюшмамизнинг иш фаолияти қандай кечяпти? Яна ҳам аниқроғи, уюшма шу кечакундузда нималар билан нафас оляпти?

— Уюшмамизда Президентимиз Ислом Каримов қаламига мансуб «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» китобларининг кўп сонли ёзувчилар иштирокида муҳокама этилиши диққатга сазовордир. Биз мазкур китоблар воситасида кечаги кунимиз, бугунги ҳаётимиз ва келажак истиқболимиз ҳақида бафуржа фикрлашиб олдик. Ўзлуксиз олға босаётган мустақиллик шароитида адибнинг ўрни, масъулияти масаласида мунозара юритдик. Шунингдек, республикамизда болалар адабиётини нашр этишнинг аҳволи, мактабларимизда таълим-тарбия саъвияси, қишлоқларимизда китоб сотиш, китоб тарқатиш муаммолари билан боғлиқ оммавий тадбирларимиз ғоят қизғин бўляпти.

Мустақиллик байрами куни бобомиз ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойида катта мушоира бўлиб ўтади. Байрамдан сўнг Хожа Баҳоуддин Нақшбандга бағишланган илмий-адабий анжуманга таклиф этамиз. Сўнгра Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, Нодирабегим тўйларига тараддуд...

Ниятим шуки тўйлар тўйларга уланаверсин. Бошимиз узра Истиқлол қуёши абадул-абад порласин.

Суҳбатдош Темур УВАЙДУЛЛО.

** Сўз—байрам ташкилотчиларига!*

БЕНАЗИР ТАНТАНА

МУСТАҚИЛЛИК майдонида байрамда намойиш этиладиган тадбирларнинг машқлари бўлиб ўтди. Тадбирда республикамизнинг етакчи ижодий жамоалари, атоқли артистлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирок этадилар. Мени ҳурсанд қилган нарса тадбирнинг ҳар бир қатнашчиси ўз вазифасини ўрнида ва пухта ижро этганлигидадир. Байрам тадбиридан хилма-хил чиқишлар, манзаралар, концерт номерлари ўрин олган. Уларни батафсил айтиб ўтирмайман. Бугун оқшомда бошланадиган ушбу беназир тантанани кўрган ҳар бир киши ўзининг холис баҳосини беради. Мен фақат ушбу томошалар сценарийсини камина билан бирга таниқли шоиримиз Жуманиёз Жабборов ёзганини эслатиб ўтаман.

Буюк мустақиллигимизнинг икки йиллик тантаналарида ўзимнинг камтарона ҳиссамни қўшаётганимдан беҳад миннатдорман.

Рустам ҲАМИДОВ,
Ўзбекистон халқ артисти, театрлаштирилган байрам томошаларининг бош режиссёри.

КОШОНАГА МАРҲАБО!

БУ ЙИЛГИ байрамимиз қурилишларга, айниқса, бой бўлди. Амир Темур хиёбонида амалга оширилган ишлар ҳамда куни кечагина сўнгги сайқал берилган «Туркистон» номи билан аталадиган муҳташам маърифат саройи сўзимнинг исботидир. Маърифат саройига қарар экансиз, юрагингиз алланечўк фахр билан тўлиб-тошганини сезасиз. Айниқса, унга киравершдаги қудратли Семурғ киши диққатини дарҳол ўзига жалб этади.

Туркистон маданият-маърифат саройида байрам концерти бўлиб ўтади. Саройнинг ичидаги биридан-бири нозик нақшлар ўймакор гуллар маҳлиё қилиб қўяди. Шундай муҳташам саройни тиклаган қурувчиларга минг раҳмат десак ҳам оз. Сўзимнинг қанчалар ростлигига эса ҳамшаҳарларимиз саройга келиб томоша қилгач, амин бўладилар. Муҳташам олий қаср муборак бўлсин, азизлар!

Фарруҳ ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон халқ артисти.

ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ РАНГ-БАРАНГ

МАБОДО, Мустақиллик майдонидаги тантаналарда иштирок этолмай қолган ҳамшаҳарларимиз бўлса асло ўксинишмасин. Чунки ҳар йилдагидек ойнаи жаҳон заҳматкашлари хизматга ҳозиру нозир. 31 август ва 1 сентябрдаги дастурларимиз тўлалигича Мустақиллик байрамига бағишланган. 31 август куни соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг ҳайкали очилиши маросими, Мустақиллик майдонидаги барча тантаналар тўлалигича олиб кўрсатилади. Булардан ташқари, дастурдан ранг-баранг байрам томошалари, концертлар, бадиий ва телефильмлар ўрин олган. Жумладан, Туркия Республикасининг Президенти Сулаймон Демирэл жаноби олийлари ҳамда Татаристон Президенти М. Шаймиевнинг ўзбек халқига қутловлари, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Покистон, Ҳиндистон элчиларининг табриклари берилади. Марказий Осиё республикалари телевидениелари эса махсус байрам дастурларини бизга йўллашади. 1 сентябрь куни эрталабдан то ярим тунгача узлуксиз телемарафон ўтказилади. Телемарафон пайтида «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Истиқлол йўли, оталар юрти», «Катта имкониятлар мамлакати», «Ўзбекистон Ватаним маним» каби теле ва видеофильмлар намойиш этилади. «Мустақиллик мушоираси», «Менинг маҳаллам», «Байрам қаҳ-қаҳалари» дастурлари барчага манзур бўлади, деб ўйлаймиз. Хуллас, телетомошабинлар бир лаҳза зерикмайдилар ва бадиий ранг-баранг кўрсатувларни томоша қилиб, мириқиб ҳордиқ чиқарадилар.

Ўрол УТАЕВ,
Ўзбекистон телевидениесининг бош муҳаррири.

* *Қалб тўридан*

БОБОЛАР ЮРТИ

ИНСОН қалбида ўз халқининг жажжи қиёфаси яшайди, дейишади. Мен бу қиёфани ҳавас билан, ҳайрат билан ҳозирги Мустақиллик майдонимизда кўрган эдим. Ўшанда ҳинд халқининг миллий байрами бўлганди. Шилдироқ қоғозу ялтироқ матолардан безатилган уйчалар, маржонлар осилган кунгурадор қуббалар, унинг атрофида қўшиқлар куйлаб, рақсга тушаётган, бизни ҳам ўз шодиёнасига шерик қилаётган санъаткорлар кечагидай кўз ўнгимда.

Очиғи, ким бахтли — юракдан бахтли одам деган ақидага амал қиламан. Бахтиёрлигим — байрамим. Демак, байрамим тақдир иноятн билан содир бўлади ёки уни ўзим яратишим ҳам мумкин... Аммо ҳинд халқининг байрами мени ўз жозибаси ва самимияти билан мафтун этиб қўйганди. Бизни биродарликка, дўстликка чорлаб турган нигоҳларга меҳр билан қарарканман, раққосаларнинг кийим-кечаклари ва тақинчоқлари мозийга, момоларим, боболарим санъатига саёҳат қилдирарди. Чунки бу байрам ҳар бир кишини халқ ижодкорлиги дурдоналари билан юзма-юз қиладиган байрам эди. Ўша кунларда биз аллақачонқ бешикни — эскилик сарқити, сандални — хурофот тимсоли, исириқ тутатишларни эса — бидъатга йўл деб бадарға қилиб юборгандик. «Совет турмуш тарзи» деган ғовак тушунча ижодкорлигимизни сўндириб, фозилу алломаларимиз сув ичган булоқларнинг кўзларини ёпиб қўйишга улгурган экан.

Алла десам, бор бўлгин, алла,
Менга номус — ор бўлгин алла.
Катта бўлсанг жоним болам-а,
Халққа вафодор бўлгин,
алла...—

деган қўшиқлар куйлаб ўтган момоларнинг болалари чучмал забон бўлиб ўсибди. Аслида халққа вафодорликни тилаб ўстирган, фарзандлари Широқ бўлиб даштда душманни адаштирган, Муқанна бўлиб, босқинчиларга қарши курашганди-ку!

Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айронди,
Айронингдан бермасанг,
Қозонларинг вайрондир, — деган қўшиқлар ҳам куйланди. Қозон тўла айронни яримлатдик ва... яримландик. Лекин барибир ўзимиз ҳам оқибатда «боқиманда» номини ҳам олдик... Ўша байрамда кўнглим яна бир бор ярим бўлди. Чунки бувисининг сандиғидан чиққан шойи рўмолни шалдиратиб рақсга тушарди раққосалар. Усти-бошларидаги майин матоларда боболарим ҳунармандчилигининг, момоларим ижодиётининг қайсидир бир кўринишлари бор эди. Яна кўнглим яримланади ёғоч қошиқларга, чипта ковушларга, зарбоф ёстиқчалару чарм ғилофларга кўзим тушганида. Улар ҳар жиҳатдан қалб қатидаги орзумандликларим билан юракка яқинлиги, аммо ҳаётимиздан узоқлашиб кетган билан ҳам дил тортар, ҳам дил оғритар эди.

Эҳтимол, Бобур бобомиз билан бирга кетган бу санъат асарлари Ҳиндистонда умри боқийлик кашф этгандир?..

...Миллий либослар ўз жозибаси, ўз нафислиги билан кўзимнинг қароқларида қолди. Аммо нега бу кийим-кечаклар, халқ ҳунармандчилигининг ноёб дурдоналари биздан нари кетди, гўё дошқозонлардан тўкилган сумалаклар, эскилик сарқити деб тан олинган бешиклар мисоли? Ўша кунларда қўшниминнинг қизи отасининг машинасида бориб, узун сочларини қирқтириб келди, ўғлимнинг тили эса чала боғчаю, чала мактаб сабаб, турфа тиллар билан омухталашиб чучмал бўлиб қолди. Замонавийликни кийинишда, кимларгадир кўр-кўрона эргашишда деб билдик.

Яна такрорлайман, байрамларни орзиқиб кутмайман. Айниқса ҳар шанба, якшанбада келаётган чегарачилар, муҳандислар, мунажжимлар... байрамларини, уларнинг сон-саноғи йўқлигидан эмас, балки байрамим — қалбимнинг байрами, таъбимнинг байрами бўлишини тан олишимдандир бу. Аммо ўша утсав байрамидан кейин мен яна бир байрамнинг гувоҳи бўлдим. Кўнглим тоғдай кўтарилди. Ўша байрамни кўп кўрсам, ўша байрамларни кутиб яшасам деб орзулайдиган бўлдим. Бу байрам Ўзбекистоннинг Мустақиллик байрами эди. Мустақиллик майдони чиндан ҳам мустақиллик кашф этганди. Бир вақтлар баланд бўй-басти билан йўқликка боқиб турган доҳий ҳайкали ўрнида она сайёрамизнинг рамзи. Унда эндиликда 160 дан ортиқ мамлакатлар тан олган, байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳилпираб турган она юртимизнинг ўз ўрни, ҳудуд-чегараси намоён бўлди...

Ким ўз юртини сева олмаса у ҳеч нарсани сева олмайди. Севимли бўлмоқ учун, Ватан фарзанди бўлмоқ учун — Ватан фуқароси бўлмоқ керак. Фуқаролик — юрти қалбига, қиёфасига кириб бориш демакдир...

Ҳа, қизил империяга йўл очган, йўлларимизга «Ильич нурларини сочган» байрамларни тан олмасдим. Аммо ўша ҳиндлар байрамидан кейин, ўн йиллар кейин ўтган байрамни қалбдан байрам қилдим. Мустақиллигимиз майдонини яшнатиб юборган, одамлар нигоҳига қувонч, тантаналар суратини чизган байрамни чинакам байрам деб билдим. Кўзларимга ишонмайман: Тўмарис тилга кирди, ўшанда! Соҳибқирон Темурни «бизнинг бобомиз, унинг руҳини шод этайлик, тиклайлик, ҳам ўзимизни, ҳам диёримизнинг қаддини...» —деб баралла сўйлашди йигит-қизлар, шарқираб оқиб турган анҳор бўйларида. Бешик қучоқлаган, хуррам келажакни боласида қўрган оналар алла айтди.

Исириқ дона-дона,
Тутундан тўлсин хона,
Куя қолсин ҳасадли кўз,
Кўча қолсин ғаразли кўз...

Беихтиёр момоларнинг тилагига қўшилдим-да, «Ленин бобомлар — менинг бобомлар» деган ашула залворини «Читти гул» ва «Лайлак келди» каби қўшиқларимиз босиб кетди. Ўзимизни, ўзлигимизни унутиб вақтимиз ёлғон тариху бақироқ маърузалар тинглаш билан ўтганига ачиндим. Топганимиз — вайрона уйлар, қақшаган Орол, бузилган обу ҳаволараро эртаклардагина мустажо бўлган мавзулару сароб орзулар бўлибди. Ақалли бувиларим тақ-қан кўзмунчоқларни шилдиратиб рақсга тушаётган ўша ҳинд аёличалик ҳам бўлмабмиз, ўзимизни таниб, ўзлигимизни танитмабмизку!..

Кириб келаётган Байрам — боболар юртининг, муқаддас тупроқнинг ҳақиқий байрами — барқарор байрам. Унинг тантаналари дилдан, юракдан кечади. Биз Ватан фуқароси даражасига етамиз. Озодлик йўлига чиққан Ватанимизнинг бир бўлагига, парчасига айланамиз. Эркнинг мўъжиза эканлигини тушуниб етамиз. Ҳозиргидай кўзимизга озгина танқисликлар кўпга ўхшаб кўринавермайди. Ишонаман, Ватан келажагини билимдонликда, чароғонликда кўрган муаллим пора олмай саводхон болага ҳомийлик қилади. Шифокор дардмандга шифо беришга ҳеч бир миннатсиз, ҳеч бир таъмасиз ошиқиб боради. Оталар қатъияти қобил болаларга сабоқ бўлса, она қаноати ҳалоллик ва софлик аро оқ сут билан гўдак қонига ўтиб боради.

Ватан бизсиз яшаши мумкин, аммо биз Ватансиз яшай олмаймиз. Шу ҳақиқатни дил-дилимиздан туйиб борар эканмиз, кўнглимиз меҳр-муҳаббатдан, оқибатлилик ва шафқатдан тўйиниб боради. Шунинг учун улуғ айём кунларида бир-биримизга севги тилайлик. Чунки севган қалб майинлигу жасоратга мойил бўлади. Яхши-ёмон сирларимизни қалбимизга ишонар эканмиз, бахтдан шошганда ҳам, қайғудан қочганда ҳам ўз қалбимизга кириб яширинар эканмиз, Қалб — инсоннинг Ватанидир. Қалб — Ватан парчасидир.

Ватан фуқароси бўлмоқлик — қалбни покламоқлик, қалбдан унга содиқ бўлмоқликдир. Мустақиллик бизга нима берди деб эмас, биз унга нима бердик — деб яшамоқликдир.

Умида АБДУАЗИМОВА.

* *Истиқлол шарофати*

КЕЛАЖАККА ИШЛАМОҚДАМИЗ

РЕСПУБЛИКАМИЗ ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ҳар томонлама тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олишимизда илм-фаннинг аҳамияти катта бўлаяпти. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси олимлари буни чуқур идроқ этган ҳолда илмий изланишлар кўламини кенгайтириб бормоқдалар.

Собиқ Иттифоқ даврида академиямиз бошқа республикалар қатори марказлашган Иттифоқ Фанлар академиясига бўйсунар эди. Истиқлол шарофати билан биз ҳам мустақил бўлдик. Академиямизга давлат мақоми, яъни ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқи берилди. Шунга кўра Ўзбекистон фанининг аниқ тизимини ишлаб чиқиб, мустақил республика бошқариш усулларига мослаштирдик. Икки йил мобайнида академиямиз барча назарий фанларни бошқарадиган, меъёр ва йўналишга соладиган, фаннинг илмий, назарий тадқиқотларини ривожлантирадиган, тажрибаларни тадқиқ этадиган ташкилотга айланди. Мустақиллик туфайли қўлга киритган яна бир ютуғимиз бу республика фан ва техника махсус комитетининг ташкил қилиниши бўлди.

Республика фанининг ривожланишида Ўзбекистон Фанлар академиясининг улуши каттадир. Унинг зиммасига бутун фан тармоқлари бўйича амалга ошириладиган назарий ишларнинг 45—50 фоизи тушаяпти.

Ўтган икки йил давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошида республика халқ хўжалиги саноати учун зарур бўлган соҳалар бўйича бешта, Ўғитлар институти, Ирсият институти, муҳим аҳамиятга эга бўлган қуёш нуридан ишлаб чиқаришда фойдаланишни жорий этадиган материалшунослик институтлари, шунингдек аниқ алоҳида ажратилган тилшунослик ва адабиёт институтлари очилди. Бу илмий масканларда айни пайтда самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, республикада фан ўчоқларини кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Самарқанд бўлими ташкил этилди. Шунингдек, бу ерда минтақавий муаммолар мажмуи институти очилди. Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон шоҳобчаси бўлимга айлантирилди.

Айниқса, республикада Олий аттестация комиссиясининг тузилгани қувончли ҳолдир. Чунки, илгари Ўзбекистонда олиб борилган илмий тадқиқот ишлари, номзодлик, докторлик илмий даражалари марказда тасдиқланарди. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги 45 та илмий-текшириш институтларининг кўпчилигида махсус ихтисослашган кенгашлар фан кандидатлари, докторларини тайёрлайди.

Шуниси ҳам диққатга сазоворки, фан ва ишлаб чиқаришда узилишлар, тафовутлар мавжуд. Бунинг олдини олиш мақсадида Фанлар академиясида акционерлик жамияти тузилди. Жамият яратилган янги технология, услуб ва ихтироларни ишлаб чиқаришга жорий қилади.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон фани ривожланиб, хорижга танилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Марказий Осиё республикаларининг ичида биринчи бўлиб халқаро илмий ҳамжамиятга қабул қилинди. Эндиликда Ўзбекистон 30 дан ортиқ хорижий давлатлар илмий марказлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Америка Қўшма Штатлари, Жанубий Корея, Швеция, Швейцария, Италия, Япония, Хитой, Голландия, Германия каби давлатлар ана шулар жумласига киради.

Икки йил ичидаги энг катта ютуғимиз республикада илмий имкониятларни сақлаб қолдик. Республикамиз Президенти ва ҳукуматимизнинг фанга бўлган катта эътибори ўз самарасини бермоқда. Эндиликда Ўзбекистон фан технологиясини хорижий давлатлар сотиб олмоқдалар. Бу борада масалан, Электроника институти Японияннинг энг катта пўлат қуйиш корпорацияси билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ядро физикаси институти ҳам АҚШ, Канада билан ўзаро алоқа ўрнатди. Қуёш физикаси институти ўзининг технологиялари, усуллари билан жаҳонга чиқмоқда. Хуллас, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, биз Ўзбекистоннинг истиқболи, буюк давлатимизнинг келажаги учун ишламоқдамиз.

Асқар ХОЛМУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти.

УЛУҒ ХАЛҚ ҚУДРАТИ ЖЎШ УРГАН ЗАМОН, ОЛАМНИ МАҲЛИЁ АЙЛАГАН ДИЁР!

ОНА шаҳримизга қадам қўйган меҳмон зоти борки, илк бора дастлаб меҳмондўстлигимизнинг гувоҳи бўлади. Қайноқ тандирда қип-қизил қуёшдек пишган патиру ширмойларни татиб кўриб, ўзбек халқи қанчалар қалби очиқ халқ эканини дил-дилидан ҳис этади. Чиндан ҳам заводларимизда ишланаётган юзлаб дастгоҳларнинг олис ўлкаларда ҳам ишлаб тургани фахримиз эмасми! Уларда озод Ўзбекистон тамғаси бор.

Ўзбекистонимизнинг яна бир бебаҳо бойлиги бу келажак авлодимиздир. Ёруғ эртанги куни, бахтли тақдири борлиғига ишончи комил бўлган болаларимиз ҳамиша қувнаб яшамоқдалар.

Содиқ Маҳкамов ва Усмон Усмонов суратлари.

СИЁСИЙ МУЛОҚОТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ХДП Тошкент шаҳар кенгаши Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллик санаси шарафига 24—25 август кунлари шаҳардаги барча бошланғич партия ташкилотларида улуғ байрамга бағишлаб сиёсий мулоқот куни ўтказди.

Бундан мақсад халқимизнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиққани, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрнини топаётгани, Ўзбекистон Президенти, партиямиз Раиси И. А. Каримовнинг ички ва ташқи сиёсати, халқ осойишталиги ва фаровонлиги ҳамда уни ижтимоий ҳимоя этиш йўлидаги тинимсиз фаолиятини аҳолининг барча табақаларига чуқур ва атрофлича тушунтириш эди.

Бу тадбирларда асосан партия аъзолари, халқ депутатлари, ҳокимликлар ходимлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа турли соҳаларда хизмат қилувчи раҳбарлар, зиёлилар, ёшлар фаол иштирок этдилар. Сиёсий мулоқотда қатнашган нотиқлар ўз қизиқарли ва сермазмун маърузалари, суҳбатларида энг долзарб масалаларга эътиборни қаратдилар, мустақиллик байрамининг моҳияти, унинг қадр-қимматини қайд этиб, ўзлари раҳбарлик қилаётган соҳаларда олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳам тўла ахборот бердилар. Мамлакатимизда осойишталик, миллатлараро тотувликни асрашда Ўзбекистон ХДПнинг ўрни, шаҳар, туман партия кенгашларининг бу борадаги фаолияти, уларнинг жойларда ҳокимликлар билан олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шаҳар бошланғич партия ташкилотларида бўлган бу учрашувларда Яккасарой тумани 1-пойабзал фабрикасида ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Ш. Шоисломов иштирок этиб, юқорида қайд этилган мавзуда сўзга чиқди.

Мулоқотларда Ўзбекистон Республикасининг жаҳонда ўз муносиб ўрнини эгаллаб бораётгани тўғрисида атрофлича сўз юритилди. Мустақиллик учун курашган тарихий шахслар Спитамен, Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Яссавий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур, А. Навоий, Фурқат ва бошқа алломаларнинг фаолияти, эзгу мақсадлари бугунги озод Ўзбекистон тимсолида акс эттирилиб, мустақиллик ўзбек халқига арзон тушмаганлиги, халқимизнинг кураши ҳам мустақиллик йўлидаги кураш бўлганлиги, қатағон даврининг қурбонлари бўлган ўзбек халқининг атоқли фарзандлари Ф. Хўжаев, А. Икромов, Фитрат, Чўлпон, А. Қодирий, Усмон Носир ва бошқа юзлаб кишиларнинг истиқлол йўлида жон фидо қилганликлари, мустақиллик—аждодларимиз, ота-боболаримиз олиб борган узоқ ва мураккаб курашнинг натижаси эканлиги уқтириб ўтилди.

Сиёсий мулоқот кунида мустақиллик республика халқига, унинг ҳар бир фуқароси зиммасига катта масъулият юклаётгани, мустақиллигимиз пойдеворини яна ҳам мустаҳкамлаш мақсадида миллий истиқлол мафкурасини яратиш жараёни жадал суръатлар билан олиб борилаётгани таъкидланди.

Мустақиллигимизнинг икки йиллигига бағишлаб бошланғич партия ташкилотларида ўтказилган сиёсий мулоқотларда меҳнаткашлар Президентимиз И. А. Каримовнинг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини тўла маъқулладилар. Бу учрашувлар мазмун ва моҳияти билан аҳолини ҳамжиҳатликка, тотувликка, истиқлолимизни мустаҳкамлаш учун ғайрат-шижоат кўрсатишга даъват этди.

Нуршод ҒИЁСОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши мафкура бўлимининг мудири.

АБАДИЯТГА ДАХЛДОР ЛАҲЗАЛАР

«ЎЗБЕКТЕЛЕФИЛЬМ» киностудияси ижодкорлари ҳам мустақиллигимизнинг икки йиллигига муносиб тўёна тайёрладилар. Киностудиянинг директори Асқар Абдураҳимов мухбиримиз билан суҳбатда бу ҳақда атрофлича ҳикоя қилди.

— Киностудиямиз маҳсулотлари «зангори экран» орқали Мустақиллик байрами куни ўтказиладиган телемарафонда намойиш этилади. Ўша куни эрталаб «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» номли тўла метражли фильм томошабинлар эътиборига хавола этилади. Номидан ҳам кўриниб турибдики, у юртимизнинг кечаги куни, шиддаткор бугуни ва умидли эртаси ҳақидадир. Фильм муаллифлари Темур Аҳмадхўжаев, Абдухалил Қориев, Анвар Жўрабоевлар Ўзбекистонимиз ҳақида ажойиб достон яратишди десам лоф бўлмайди.

Иккинчи фильмимизни ҳам юқоридагисининг маънавий давоми десак ярашади. Фориш тумани марказида миллий ўйинчиларимиз кўрик-танлови ўтказилган эди. «Арқон тортиш», «От-от ўйини», «Қушимнинг боши» сингари ўнлаб анъанавий ўйинлар йиғилганларни беҳад завққа солган кўрик-танлов катта улоқ билан тугаган эди. Таниқли режиссёр Шавкат Маҳбубов, Рустеван Исломов ҳамда Баҳодир Нарзуллаев билан ҳамкорликда кўрик-танловни маҳорат билан лентага кўчирган. Унинг ҳам телемарафонга киритилиши бизнинг ишга эътибор билан қаралаётганидан нишонадир.

Яна бир фильмимиз «Ер—деҳқонларга» деб номланган. Нодир Йўлдошев, Баҳодир Нарзуллаев, Раъно Ҳайдаровалар Самарқанд вилояти Ургут туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги аъзоси Бурхон Нарзиевлар оиласи мисолида Президентимизнинг деҳқон оилаларга ер ажратиб бериш тўғрисидаги Фармонининг қандай бажарилаётганини бадиий лавҳаларда акс эттирганлар.

«Чуст жилолари» фильмимиз эса қадим ва навқирон Чуст шаҳрининг бугунги куни, унинг қўли гул усталари — пичоқчилар ва бошқа ҳунар эгалари ҳақида ҳаяжонли ҳикоядир. Фильм ижодкори — сценарий муаллифи, режиссёр ва оператор Саидботир Аҳмадхўжаев ҳунари гўзал халқимиз ҳақида ажойиб фильмни суратга олишга эришган.

Телемарафондан жой олган яна бир маҳсулотимиз бу «Биз — очиқ жамоа» деб номланади. Унда Ўзбекистоннинг хориж мамлакатлари билан олиб бораётган алоқалари, ҳамкорлиги ўз ифодасини топган. Туркия, Жанубий Корея ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликда қурилган ва ишлаётган қўшма корхоналар фаолияти, келажакдаги оламшумул режалар фильм мазмунини белгилайди. У Саидботир Аҳмадхўжаев, Николай Герасимов, Рустамбековларнинг шўҳасиз ижодий ютуғидир. Шу куни «Тошкентнинг нурли оқшомлари» фильми ҳам намойиш этилади. Унда байрам оқшомидаги шаҳримиз жамоли муҳрланган. Низомий Маҳмудов билан Ж. Каримовлар уни муҳаббат билан тасвирлай олганлар.

Булардан ташқари Эркин Эрназаров сценарий муаллифи бўлган «Ўзбекистон — Ватаним маним» фильми ҳам тайёрланяпти. У юртимиз бойлиги, гўзаллиги, халқнинг саҳий қалби ва улуғ фазилатларига ўзига хос мадҳиядир.

Янги ўқув йилининг бошланишига бағишлаб икки фильм суратга олиниб бўлинди. Биринчи фильм «Муаллима» Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Рихси Юнусова ҳақида, унинг дарс ўқитиш услублари ҳақида ҳикоя қилса, иккинчи «Янгиланиш» фильми шаҳримиз мактабларида, яна ҳам аниқроғи халқ таълими тизимидаги ўзгаришлар, янгиликларга бағишланади. Иккала фильм Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда суратга олинмоқда.

«Козим Қаюмов куйлайди» фильм-концертимиз ҳам қўшиқ шайдоларига муносиб туҳфа бўлади, деб ўйлаймиз.

Киностудиямиз бу йилги мустақиллик байрами тантаналарини тўлалигича суратга туширади. Хулоса қилиб айтсам, юртимизда қандай янгилик юз берса, барчаси иш фаолиятимиз диққат марказида бўлади.

Толиб САЪДУЛЛО.

* *Ижод аҳли—байрамга*

БОШ МАЙДОНДА ЯНГРАЙДИ

РЕСПУБЛИКА композиторлар ва бастакорлар уюшмаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биргаликда Истиқлолга бағишланган қўшиқлар танловини ўтказган эди. Байрам арафасида ана шу танлов якунланди, ғолиблар аниқланди. Биринчи ўринни ҳайъат аъзолари бир овоздан бастакор Рустам Абдуллаев ҳамда шоир Нормурод Нарзуллаевларнинг «Тўйлар муборак» қўшиғига лойиқ кўришди. Иккинчи ўрин эса Баҳрилла Лутфуллаев ҳамда Абдусаид Кўчимовнинг «Яйра, Туркистон», Ҳабибулло Раҳимов ва Тўра Мирзоларнинг «Анқара — Тошкент» қўшиғи учун берилди. Учинчи ўринга уч қўшиқ муносиб деб топилди. Улар Иброҳим Ҳамроев ҳамда Тўлқиннинг «Озод Ватан», Баҳрилла Лутфуллаев билан Саъдулла Ҳакимнинг «Мустақиллик қасидаси», Аваз Мансуров ҳамда Азим Суюннинг «Ватан» қўшиқларидир. Ғолиб чиққан қўшиқлар Мустақиллик куни ижро этилади.

Улуғбек МУСАЕВ,
Ўзбекистон композиторлар ва бастакорлар уюшмасининг раиси.

БЎЁҚЛАРГА КЎЧГАН ОРЗУЛАР

ЎЗБЕКИСТОН мусаввирлари ҳам бошқа соҳа ижодкорлари каби жўшқин ижодий меҳнат билан бандлар. Уларнинг ижодий ишларининг якуни эса республика рассомлар уюшмаси биносида очилган кўргазмада жамланган. Ушбу истиқлолни куйловчи ўзига хос улкан бадиий мажмуада рангтасвир, манзара, натюрморт, графика жанрларида ишланган 300 га яқин асарлар қўйилган. Кўргазма муаллифлари орасида Ўзбекистон тасвирий санъатининг Самиғ Абдуллаев, Қутлуғ Башаров, Маннон Саидов, Зокир Иноғомов каби саркорлари билан бир қаторда ёш, иқтидорли рассомларнинг ҳам номлари бор. Уларни бирлаштирган мақсад битта: юртимиз истиқлолини мўйқалам тилида куйлаш. Чамаси мусаввирларимиз кўнглидаги орзуларига етди. Кўргазмага ташриф буюрган санъат шинавандалари у ердаги асарларни кўриб, қониқиш ҳосил қилмоқдалар. Бўёқлар тили билан куйланган юртимиз таронасини келиб томоша қилинг азиз ҳамшаҳарлар!

Раҳим АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг раиси.

«БАҲОР» ЯНА ХИРОМ ЭТАР...

«БАҲОР» рақс дастаси қизлари муборак байрамимизнинг икки йиллигига ниҳоятда масъулият билан тайёргарлик кўрдилар. Биз Амур Темур ҳайкали очилиши маросимида, Улуғбек ҳайкали очилиши пайтида рақслар ижро этамиз. «Туркистон» маданият ва маърифат саройида бўладиган катта концертда «Бешқарсак» рақсини ижро этамиз. Зеро, Мукаррама Турғунбоевадан мерос қолган ушбу рақс байрам шодиёналарига жуда ҳам мос келади.

Мукаррама Турғунбоеванинг 80 йиллигига бағишланган тантаналар эса худди истиқлол байрамининг давомидек назаримда. Биз бу тўйга «Мукаррамахоним ўйнасин» номи остида катта мусиқий дастур тайёрладик. У томошабинлар ҳукмига ҳавола этилгач, санъат шайдоларига манзур бўлади деб умид қиламиз. Фурсатдан фойдаланиб, барчани «Баҳор» қизлари номидан қизғин табриклайман.

Маъмура ЭРГАШЕВА,
Ўзбекистон халқ артисти, хизмат кўрсатган «Баҳор» рақс дастасининг бадиий раҳбари.

НАЗМ ШОДАЛАРИ

АСРЛАРДАН бери ҳукм суриб келаётган ажиб бир удумимиз бор. Қайсики тўйга борсак албатта тўёна билан борурмиз. Истиқлолимиз байрами эса ҳаётимиздаги энг табаррук тўйидир. Ушбу тўйга барча ҳамқалам биродарларим қатори мен ҳам назм шодалари ила келдим. Ушбу байрам арафасида «Қатағон» номи билан бир достоним ҳам чоп этилди. Достон яқин ўтмишимизнинг энг қонли 30-йиллари ҳақида. Зеро бу шодиёнада ўтганларни бир қур ёдламоқ бугунимизнинг қадрини минг борга оширгусидир.

Камина ҳам бу йил 70 ёшини нишонлашга жазм қилди. Юртимнинг истиқлолини кўриб шу бахтиёр кунларда биродарларга дастурхон ёзмоқнинг ҳам ўзи катта шараф. Дилда эса илҳом булоғи қайнаб турибди. Иншоллоҳ, янги байтлар қоғозга кўчса сиз азизларимга туҳфа этишдан беҳад шодланаман.

Султон АКБАРИЙ,
шоир.

* *Истиқлол шарофати*

ҲИЛПИРА, ЭРК БАЙРОҒИ

КИШИ улғайгани сари кўп нарсаларни идрок қилиб борар экан. У дастлаб кўп нарсаларга аҳамият бермаган бўлса ҳам, бора-бора: «Нега бизнинг байроғимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бўсағасида ҳилпирамаяпти? Нега миллий Гербимиз йўқ? Нега Мадҳиямиз «Ассалом рус халқи», деб бошланади?» каби саволлар юрагингда уйғонар экан. Бу саволларга ягона жавоб бор эди: мустақил эмасмиз, шунинг учун.

Мустақиллик майдонида, Халқлар дўстлиги майдонида, Ўзбекистон миллий боғида, республикамизнинг барча шаҳарларида оқ зангори байроғи ажиб бир назокат билан ҳилпираб туришининг ўзи истиқлолимиз қанчалар бизга зарур бўлганлигини тасдиқлаб турибди. Тонг саҳарда ҳаво тўрларини зириллатиб янграган Мадҳиямиз эса юраклардаги асрий армонимизни ифода этиб турибди. Ҳукумат уйи тепасидаги қанотларини

Чиндан ҳам республикамизнинг, наинки республика, бутун бошли миллатнинг юзини кўрсатувчи асосий белгилар бу — миллий Байроқ, миллий Тўғро, миллий Мадҳиядир. Минг шукрки, бугун мана шу муқаддас нишонлар бизнинг кимлигимизни оламга таратиб турибди. Бу шарафни, бу бахтни бизга Истиқлол берди. Шу сабаб дилимизда, тилимизда дастлаб истиқлолга шарафлар айтамиз.

Бугун қуёш билан
йўғрилган,
Тўғромизда ўзинг намоён,
Халқлар меҳри билан
йўғрилган,
Байроқ ила бердинг
абад шон.

Сен йигирма миллион
тилакдан,
Ўрин олган гавҳар бебаҳо.
Сен йигирма миллион
юракда
Жаранглаган Мадҳия
доимо.

Ушбу муаззам кунларда кенг ёзган Ҳумо қуши эса Тўғромизнинг муҳим белгиси бўлиб кўзимизни қувнатади. Ҳумо қуши танлангани бежиз эмас. Айни пайтда ушбу афсонавий қуш бизнинг келажагимизни ҳам акс эттираётгандек, Ўзбекистон келажак сари худди шу Ҳумо каби қанотларини кенг ёзиб парвоз қилажак. Бугун байрам куни юракларимиз ажиб нашъага, шуурга тўлиб-тошгани ҳолда, хитоб қилиб деймиз: Эй, мустақил юртимизнинг Байроғи бошимизда мангу ҳилпира! Эй, Мадҳиямиз, юракларимизни фахрга тўлдириб, абадий янгра!

Истиқлол деб жон фидо
этар,
Юртимдаги ҳар битта
инсон!
Истиқлолнинг юзидан
ўпар,
Республикам, ҳур
Ўзбекистон!

Ғолиб МИРЗО.

* *Суратли ахборот*

«ЧАРОС»НИНГ ЧАРОҒОН ДАМЛАРИ

СОБИР Раҳимов туманидаги «Чарос» номли 458-болалар боғчасига кичкинтойлар эрта тонгда ўзгача қувонч билан кириб кела бошлашди. Улар кийган байрамона либослар боғчада қандайдир тантана бўлишидан дарак берар эди. Ҳақиқатан ҳам бир қанча вақт ўтгач боғчанинг мусиқа хонаси ҳамда ҳовлисида юртимиз мустақиллигининг икки йиллигига бағишланган байрам кечаси бошланди.

Байрам дастурининг мусиқавий чиқишларини боғчанинг мусиқа муаллимаси, шу соҳада 43 йилдан буён меҳнат қилиб келаётган Муҳаббат Абдуллаева тайёрлагани барчага манзур бўлди. Унинг тинимсиз ҳаракатлари туфайли болалар байрамга атаб Давлатимиз мадҳияси, ўзбек ва қардош халқларининг қўшиқ, рақсларини ўрганишди.

Болалар боғчасидаги қаттаю кичик Муҳаббат опани яхши тарбиячи, ўз касбининг моҳир устаси бўлгани туфайли ҳурмат қилишади. Унинг икки фарзанди ҳам она изидан кетишди. Маммуна Акмал Икромов туманидаги болалар боғчасининг мусиқа тарбиячиси. Мафтуна эса сут комбинати қошидаги болалар оромгоҳида меҳнат қилади. Муҳаббат опанинг яна уч набираси мусиқа тарбиячиси мутахассислигига ўқишмоқда.

«Чарос» болалар боғчасида байрам тантанаси қизигандан қизиди. Қичкинтойларнинг ота-оналари ўз фарзандларининг нималарга қодир эканлигини кўриб дилдан қувонишди. Энг муҳими болаларнинг вақти кўнгилдагидек ўтди.

Мажид РАҲИМОВ.

● СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.

Андрей Пишненко суратлари.

БАЙРАМ БИЛАН ҚУТЛАЙМИЗ!

Жанубий Кореянинг «IDM corporation» компанияси ва унинг президенти Ким Вон Донг Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва барча фуқароларинг Мустақиллик кунининг икки йиллиги билан чин дилдан муборакбод этади.

«IDM corporation»
Сеул, Корея.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

УРТА МАКТАБЛАРНИНГ 9- ВА 10-СИНФИНИ БИТИРГАН УҚУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Фанлар академиясининг
ЭЛЕКТРОНИКА ИНСТИТУТИ,
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ (ТошДУ),
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ (ТошДТУ)
ВА
ТОШКЕНТ ШАҲАР МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИНИНГ

«ЭЛЕКТРОНИКА» ИЛМИЙ-ЎҚУВ МАРКАЗИ

Физика ва математика фанларини чуқур ўқитиш учун

ЛИЦЕЙ ТИПИДАГИ 10 ВА 11-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ СИНФЛАРГА

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ

ТАНЛОВ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар хорижда ва Республикамизда ишлаб чиқилган тест дастурлари асосида ўзбек тилида Тошкент шаҳри МИРЗО УЛУҒБЕК туманининг 223-мактабида ва электроника институти илмий лабораторияларида юқори малакали мактаб ва олий ўқув юрти ўқитувчилари, илмий ходимлари томонидан олиб борилади.

ЎҚУВ МАРКАЗИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЧУҚУР БИЛИМ ОЛИШИ УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН.

Ўқув марказини муваффақиятли тугатган ўқувчилар «Илмий текшириш институти лаборанти» мутахассислигини эгаллайди.

ТАНЛОВ СЕНТЯБРЬ ОЙИДА ЭЛЕКТРОНИКА ИНСТИТУТИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Қўшимча маълумотларни 69-94-07 телефони орқали Электроника институтидан ва 63-52-29 телефони орқали олиш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Олимлар шаҳарчаси, Электроника институти (метронинг М. Горький бекатидан 9, 17, 18-троллейбуслар; 17, 83, 96-автобуслар; 6, 13, 22-трамвайлар қатнайди).

УМИД ёшлигидан зобитлик касбига меҳр қўйди. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки унинг отаси истеъфодаги капитан бўлиб, маҳаллаларидаги мактабда ҳарбий раҳбар бўлиб ишларди.

Отаси Умиднинг орзусига бефарқ қарамади. У ўғлини махсус ихтисослашган мактаб-интернатга жойлади. Ҳозир бу мактаб-интернат лицейга айлантирилган.

* *Ватанни ҳимоя қилиш — муқаддас бурч*

УМИДНИНГ ОРЗУСИ

— Ўғлим, орзуга эришиш учун жиддий курашмоқ керак. Ҳарбий касбни яхши эгаллаш учун аввало яхши ўқиш зарур. Умумий таълим билимлари пухта бўлгандагина ҳақиқий зобит бўлиш мумкин. Иккинчидан, жисмонан чиниқиш керак. Шундагина ишончли Ватан посбони бўла оласан, — дея уқтирди ота ўз фарзандига.

Умид бемалол интернатга кирди ва сидқидилдан ўқий бошлади. Назарида ҳарбий билим юртига ҳам бемалол кириб оладигандек туюларди. Чунки ҳарбий лицейни яхши битирганлар тўғридан-тўғри имтиҳонсиз ҳарбий билим юрти курсантлигига қабул этилиши мумкин.

Бироқ, отаси ҳақ бўлиб чиқди. Умид ҳарбий лицейни тугата олмади. Лекин у умидсизликка тушмади. У армия мактабини ўташга қарор қилди.

Албатта оддий мактабни тугатган аскарларга нисбатан Умид Рўзимов армияда ортиқча қийналмади. Лекин у ҳам синф машғулотлари, дала машқлари, навбатчилик, техника билан ишлашдан ҳоли эмасди. Армиянинг қатъий кун тартибига риоя этарди. Умид ва унинг орзуси ҳам хизмат мобайнида синовдан ўтди.

Орадан бир неча ой ўтди. Умид Рўзимов ўз орзусига содиқлигини исботлади. У яхши мутахассис даражасига етди. Кейинчалик бўлим командири бўлди. «Сержант» унвонини олди. Шундан сўнг Чирчиқдаги олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юртига кириши тўғрисида илтимос қилиб рапорт ёзди.

У, Рўзимов кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, эндигина ташкил этилаётган курсантлар бўлинмасининг қайноқ ҳаётига киришиб кетди. У тез орада командирнинг ўнг қўлига айланди. У биринчи курс курсантларига сафга туришни завқ-шавқ билан ўргатарди.

Умид билим юртига кириши осон кечмаганига ачинмайди. Чунки у аскарлик ҳаётининг барча машаққатларию роҳатларини ўз бошидан кечирди. Шунда ҳам у ўзининг зобит бўлишдек эзгу орзусидан воз кечмади. Зобит бўлиш орзуси эса жиддийлик ва қатъийлик хислатларини тарбиялади.

Бугун Умид билимдон, юқори касб маҳоратига эга бўлган, ўз қўл остидагилар ҳурмат ва эътиборига сазовор бўладиган зобит бўлиш ниятида. Бунинг ўзи бўлмайди. Чунки тақдир ҳарбий кишиларни кўпинча катта синовлардан ўтказади. Ўйлаймизки, муддатли ҳарбий хизмат синовларидан муваффақиятли ўтган Умид Рўзимов тақдирнинг навбатдаги синовларидан ҳам эсон-омон ўтади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг шонли зобитлари қаторидан муносиб ўрин эгаллайди.

Алишер ҲАЙДАРОВ.

ЭНГ НУФУЗЛИ ИЛМГОҲЛАРДА

ЮРТИМИЗНИ жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқиш ўз-ўзидан бўлмаслиги, бунинг учун жаҳон мезонлари даражасидаги билимларга эга бўлган мутахассислар лозимлиги маълум бўлгач халқимиз олдида бир қанча жиддий вазифаларни бажаришга тўғри келди. Шулардан асосийси ёшларимизнинг хорижий мамлакатларда илм олишларига имкон яратишдир. Президентимизнинг чет давлатлар билан сиёсий, иқтисодий соҳаларда шартномалар имзолаши олий таълим ва халқ таълимини ислоҳ қилиш учун хорижга чиқишларига йўл очди. Натижада Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Франция ва бошқа мамлакатлар бизнинг талабаларни қабул қилишга тайёр эканликларини билдиришди.

Ўтган йилнинг ўзида Туркияга 2000 га яқин талаба университетларда сабоқ олиш учун жўнатилган бўлса, улардан 147 таси ўрта мактабни олтин медалга эндигина тугатган ёшлар эди.

Чет мамлакатларда қўлида ҳунари бўлган киши ниҳоятда қадрланиши маълум. Шунга кўра хорижга талаба юбориш борасида ҳунартехника билим юртларининг талабалари ҳам эътибордан четда қолмади. Билим юртида таҳсил олаётган 110 талаба, ҳунар лицейларидан 300 талабани Туркия университетлари ўз бағрига олди. Республикамиздаги педагогика институтларида таҳсил олаётган 57 талаба эса ўқишни тўғридан-тўғри бакаларлик даражасидан бошлашди. Бундан ташқари Америка Қўшма Штатларидаги «Аксел» жамияти аъзолари ҳали ўрта мактабни тугатмаган 9—10-синф ўқувчиларидан иборат 48 талабани ўз мамлакатларида ўқишларига имконият яратди.

Таълим тизимини ислоҳот қилишда талабалар билан чекланиб қолмаслик лозимлиги, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра Франция, Германия билан талабалар қаторида муаллимларни алмашлаш хусусида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада айниқса Франциядаги Гёте университети биз билан фаол ҳамкорлик қилаётир.

Янги ўқув йили эшик қоқмоқда. Талабалар ҳам кетишга тайёргарлик кўришяпти.

— Яқин кунларда билим олишга жўнаб кетамиз, — дейди Туркияда таҳсил олаётган талабалардан Жаҳонгир Наҳанов. — Юрагимнинг бир парчаси шу ерда — Ватанда қолиб кетади. Аммо у ерда билим олиб, она юртимизга хизмат қилиш туйғуси кўнгилни кўтаради.

Юртимиз мустақил бўлди. Таълимни ислоҳ қилиш борасида қилинаётган ишлар самара беражаги, унинг истиқболи порлоқ экани аниқ.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО ПОЧТАМТИ

пул жўнатмаларидан ташқари барча ички ва халқаро почта жўнатмаларини қабул қиладиган махсус залнинг очилганлиги ҳақида

ХАБАР БЕРАДИ

Жўнатмалар ҳар куни соат 8 дан 18 га қадар қабул қилинади. Дам олиш куни — якшанба.

Аъло даражада хизмат кўрсатиш ва қабул қилинган почта жўнатмаларининг тезлик билан белгиланган манзилга юборилиши юзасидан кафолат берамиз.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Туркистон кўчаси, 4-уй. 2, 16, 22, 25, 40, 55, 60, 66, 81-автобуслар; 1, 8, 9, 24, 26-трамвайлар ва 1, 5, 8, 10, 17, 20-троллейбусларнинг «Шоҳбекат» бекати.

Халқаро почтамт.

«ИСТИҚЛОЛ» ФИРМАСИ

машинкада ёза оладиган, камида 3 йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган **БУХГАЛТЕР-КАССИРНИ** (30 ёшгача бўлган аёлни)

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

76-47-68 телефони бўйича соат 15.00 дан 17.00 гача мурожаат қилинсин.

ҒАЛАБА ЁР БЎЛСИН!

3—5 сентябрь кунлари Тошкентдаги «Алпомиш» спорт саройида ўтказиладиган Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатларининг 1 чемпионатида юртимиз шарафини қайси спортчилар ҳимоя қилиши, қолаверса, шундай нуфузли мусобақага тайёргарлик қандай кетмоқда, деган савол кўпчиликни қизиқтириши турган гап. Бу хусусда Ўзбекистон терма жамоасининг бош мураббийси Эдуард Ли қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Маълумки, Ўзбекистонда шарқ яккакурашлари орасида оммавийлиги жиҳатдан таэквон-донинг олдига тушадигани йўқ. Қисқа вақт ичида спортчиларимиз нақадар истеъдодли эканликларини нафақат Марказий Осиё, балки Европа қитъасида ҳам намоён эта олдилар. Бу, албатта, ҳар биримизни қувонтирмай қўймайди. Халқаро турнирлар ғолибларининг кўпайиши эса биз, терма жамоа мураббийлари зиммасига чексиз масъулият юклайди, бу улар орасидан энг муносибларини танлаб олиш имконини ҳам беради.

Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари 1 чемпионатида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишга қодир юзлаб спортчиларимиз бор. Улардан 45 тасини танлаб олиб бир неча ҳафта давомида Тошкент вилоятининг тоғли масканларидан бирида йиғин ўтказдик. Номзодлар билан кунига тўрт маҳалдан машғулот ўтказдик. Ва узоқ мулоҳазалардан сўнг чемпионатда диёримиз шарафини ҳимоя қилиш масъулиятини олти қиз, ўн икки йигитимизга юклашга қарор қилдик.

Танишинг, таэквон-до бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари:

Қизлар: Лола Шаропова, Ирина Цой, Лариса Гольцман, Сусанна Якунина, Надежда Цой, Лилия Хайруллина.

Йигитлар: Ботир Мамедов, Насриддин Толипов, Баҳром Қулаҳмедов, Гранит Ли, Марк Ли, Евгений Ли, Александр Ким, Виктор Николаев, Марат Рашидов, Мақсуд Бердиқулов, Александр Тень, Суҳроб Асомиддинов.

Биз ҳам «Тошкент оқшоми» газетаси ва унинг кўп сонли муштарийлари номидан таэквон-дочиларимизга омад, ғалаба ёр бўлишини тилаб қоламиз.

* * *

Ушбу сон саҳифаланаётган чоғда Ўзбекистон Республикаси Халқаро таэквон-до тараққиёти марказидан хабар қилиб қолишди. Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари 1 чемпионатида иштирок этувчилар сони мусобақаларда қатнашиш истагини билдирган Сурия терма жамоаси ҳисобига биттага кўпайибди.

Шуҳрат АРМОН ёзиб олди.

КОРХОНА
енгил автомашинасига эга бўлган шахсларни

ДОИМИЙ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Иш кунлари соат 8.00 дан 17.00 гача мурожаат қилинг. ТЕЛЕФОН: 76-47-68.

Тошкент темир йўл техникуми томонидан **Сидиқжўжаев Азиз Раҳимжонович** номига берилган ПТ—I—086460 сонли йўқолган

ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Н. А. Семашко номидаги илмгоҳи жамоаси директор муовини К. И. Акромовга онаси **Баҳринисо АҲМЕДОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўрта Осиё Геология ва минерал хом ашё илмий-текшириш илмгоҳи жамоаси илмгоҳ директори Абдуҳамит Абдумажитовга отаси **Турғунбой АҲМЕДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Таъминот ва маҳсулот жўнатиш бўлимининг бошлиғи Акромов Шуҳрат Исломовичга онаси **Баҳри опа АКРОМОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАМАР» КЎРГАЗМАСИ ЧОРЛАЙДИ

МУСТАҚИЛЛИК байрами арафасида шаҳар марказида янграган карнай-сурнай наволари ҳамшаҳарларимизни Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси кўргазмалар залига чорлади. Бу ерда Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси билан унинг қошида ташкил этилган «Хамар» халқаро алоқалар маркази ҳамкорлигида республикамиз мустақиллик кунининг икки йиллигига бағишланган кўргазма тантанали очилди. Унинг очилишида шаҳримиздаги мавжуд элчихоналар, вазирликлар, корхона ва ташкилотлардан вакиллар қатнашдилар.

Кўргазмада Ўзбекистонда 40—50-йилларда ижод этган рассомларнинг ижод намуналаридан тортиб, эндигина танилаётган ёш мусаввирларнинг асарлари намойиш этилмоқда.

Кўргазма залининг биринчи қаватида асосан икки йил ичида шаҳримизда очилган 20 га яқин элчихоналарга бағишланган. Унда дўстликни ифода этувчи картиналар, шунингдек, элчиларнинг портретлари ўрин олган. Иккинчи қаватда эса рассомчиликнинг тасвирий санъат, графика, наққошлик, ҳайкалтарошлик, халқ амалий санъат намуналаридан бўлган ёғоч ўймакорлиги, бадиий кулолчилик, зардўзликка оид энг сара ишлар кўргазмаси ташкил қилинган.

Кўргазма заллари одамлар билан гавжум. Улар ижодкорларнинг янги асарларини зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

— Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллик кунига республикадаги ҳар бир жамоа, корхона ва давлат ташкилотлари қизғин тайёргарлик кўрди, — дейди «Хамар» халқаро алоқалар марказининг бош директори Феруза Раҳматуллаева. — Биз ижодкорлар ҳам байрамни муносиб кутиб олиш учун ушбу кўргазмани ташкил қилдик. Бунда бизга Рассомлар уюшмаси яқиндан ёрдам берди. Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган Сингапурнинг «Аджо» фирмаси эса бизга ҳомийлик қилмоқда. Кўриб турибсиз, кўргазма кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

Залларни айланар эканмиз, «Зулмат ва ёруғлик» деб номланган сурат олдида тўпланишиб турганларини кўриб уларга яқинлашдик. Маълум бўлишича, бу асар Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг аъзоси, рассом Собир Раҳматовнинг қаламига мансуб экан. Биз у киши билан суҳбатлашдик.

— Бугунги кўргазмадан менинг ҳам ижодий ишларим ўрин олганидан ғоят мамнунман, — деди у ўз муваффақиятлари ҳақида тўлқинланиб гапирар экан. — Кўргазмага атаб «Зулмат ва ёруғлик» асаримни тайёрладим. Маънавиятимиз ва маданиятимизни юксалтиришда мана шундай кўргазмалар ташкил этиш катта аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Мустақиллик байрамига совға сифатида очилган бу кўргазмани 20 кун давомида санъат ихлосмандлари мириқиб томоша қилишлари мумкин.

Назира СОДИҚОВА.

Тошкент оқшоми

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Офсет. Қоғоз бичими А—2
Нашр кўрсаткичи 64690.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 12.10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6